



O'zbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati Hokimi

Q A R O R

2016 yil “___” _____

___-сон

Guliston sh.

Вилоят ҳудудида кўчма савдо фаолиятини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, уларни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 июлдаги “Кўчма савдога рухсат бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 233-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 28-сон, 339-модда) ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. Жорий йилнинг (қарор кучга киргандан) кейинги даври ва 2017 йил учун амал қиладиган:

вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази билан келишилган, вилоят ҳудудида кўчма савдо объектлари орқали сотилиши мумкин бўлган товарларнинг рўйхати 1-иловага;

вилоят Давлат солиқ, ички ишлар, архитектура ва қурилиш бошқармалари ва Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази билан келишилган, ҳар бир туман, шаҳар бўйича (кўчма савдо ўринлар сони ва савдо даври кўрсатилган) кўчма савдо объектларининг жойлашиш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари ҳар йили 1 ноябргача келгуси йил учун ваколатли вилоят ташкилотлари билан келишилган, ўз ҳудудида кўчма савдо объектлари орқали сотилиши мумкин бўлган товарларнинг тасдиқланган рўйхати, шунингдек (кўчма савдо ўринлар сони ва савдо даври кўрсатилган) кўчма савдо объектлари жойлашиши схемалари бўйича таклифларини тайёрласинлар ва 10 ноябргача вилоят ҳокимлигига тақдим этсинлар.

3. Вилоят ҳокими ўринбосари Б.Бўронов 2017 йилдан бошлаб ҳар йили 25 ноябргача тегишли туман, шаҳар ҳокимлари тақдим этган, кўчма савдо объектлари орқали сотилиши мумкин бўлган товарларнинг тасдиқланган рўйхати, шунингдек (кўчма савдо ўринлар сони ва савдо даври кўрсатилган) кўчма савдо объектлари жойлашиши схемаларини белгиланган тартибда вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланишини ташкиллаштириб борсин.

4. Ушбу қарор ҳокимликнинг расмий нашри – “Сирдарё ҳақиқати” газетасида эълон қилинсин.

5. Мазкур қарор 2016 йил 15 октябрдан кучга киради.

6. Вилоят ҳокими ўринбосари Б.Бўронов ушбу қарор туман, шаҳар ҳокимликларининг “Ягона дарча” марказларида кўринарли жойларда, вилоят ҳокимлиги муассислигидаги вилоят “Компьютерлаштириш маркази” давлат унитар корхонаси (А.Бурханов) вилоят ва туман, шаҳар ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида 2016 йил 15 октябргача жойлаштирилишини таъминласин.

7. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосари Б.Бўронов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

О. Ашурматов

**Вилоят ҳудудида кўчма савдо объектлари орқали сотилиши
мумкин бўлган товарларнинг
РЎЙХАТИ**

Озиқ-овқат маҳсулотлари:

1. Ўсимлик ёғи
2. Ун
3. Шакар
4. Гуруч
5. Ёрмалар
6. Дуккакли дон маҳсулотлари
7. Ош тузи
8. Қуруқ чой
9. Қуруқ кофе, какао
10. Нон ва нон маҳсулотлари
11. Макарон
12. Ҳар хил пишириқлар (булочка, батон ва ҳ.к.)
13. Печенье
14. Вафли
15. Пряник
16. Конфетлар, шоколадлар
17. Томат пастаси
18. Яхна ичимликлар (пластик идишларда)
19. Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари

Халқ истеъмол моллари:

20. Кийим-кечаклар (барча турдаги)
21. Пойабзал (барча турдаги)
22. Матолар, ип (барча турдаги)
23. Бошқа тикувчилик маҳсулотлари
(сочик, кўрпа-ёстик жилдлари ва ҳ.к.)
24. Гигиена воситалари (совун, шампунь, тиш пастаси ва ҳ.к.)
25. Ювиш воситалари
26. Гугурт
27. Майда техника воситалари
28. Идишлар, шу жумладан ошхона жиҳозлари
29. Спорт товарлари

30. Матбуот (газета, журнал ва бошқа даврий нашрлар)
31. Халқ истеъмолида ишлатиладиган бошқа жиҳозлар

Ўқув ва канцелярия жиҳозлари:

32. Дафтар (ўқувчи дафтари, умумий дафтар, кундалик дафтари, расм дафтари, идора дафтари ва ҳ.к.)
33. Ручка
34. Қалам, шу жумладан рангли қаламлар
35. Портфель
36. Чизғич
37. Циркуль
38. Акварель буюқлари
39. Фломастер, шу жумладан маркерлар
40. Қоғоз, шу жумладан ватман қоғоз, рангли қоғоз
41. Ўчирғич
42. Пластинин
43. Елим
44. Қалам йўнғич
45. Қаламдон (пенал)
46. Нота дафтари
47. Тушь
48. Оддий ва рангли бўр
49. Альбом
50. Бошқа канцелярия (офис) жиҳозлари

Вилоят ҳокимининг
2016 йил “___” _____даги
___-сонли қарорига
2-ИЛОВА

**Туман, шаҳар бўйича кўчма савдо объектларининг жойлашиш
СХЕМАСИ**

№	Кўчма савдо объектининг жойлашиш жойи (манзили)	Кўчма савдо объектидаги ўринлар сони (дона)	Кўчма савдо даври
Гулистон шаҳри			
1.	“Бўстон” МФЙ Талабалар кўчаси	8	2017 йил 1 октябргача
2.	“Истиқлол” МФЙ Гуллола кўчаси	8	2017 йил 1 октябргача
3.	“Боғишамол” МФЙ Гулистон кўчаси	8	2017 йил 1 октябргача
4.	“Маданият” МФЙ Беруний кўчаси	8	2017 йил 1 октябргача
5.	“Тараққиёт” МФЙ Ўзбекистон кўчаси	8	2017 йил 1 октябргача
6.	“Аҳиллик” МФЙ М.Ахтамова кўчаси	8	2017 йил 1 октябргача
7.	“Сайқал” МФЙ Мустақиллик кўчаси	8	2017 йил 1 октябргача
Янгиер шаҳри			
1.	“Наврўзобод” МФЙ Таробий кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
2.	“Маърифат” МФЙ Туркистон кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
3.	“Шодлик” МФЙ Янгиер кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
4.	Бобур номли МФЙ Бобур кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
5.	А.Жомий номли МФЙ Ширин кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
6.	Т.Малик номли МФЙ Т.Малик кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
7.	“Бинокор” МФЙ Гулистон кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
8.	“Обод юрт” МФЙ Яшнак кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
Ширин шаҳри			
1.	“Дўстлик” МФЙ Х.Дўстлиги кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача

2.	“Фарход” МФЙ Аҳиллик кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
3.	“Нуробод” МФЙ маркази	4	2017 йил 1 октябргача
Боёвут тумани			
1.	“1-Боёвут” ҚФЙ “Ўзбекистон” МФЙ Гулбоғ кўчаси	2	2017 йил 1 октябргача
2.	“3-Боёвут” ҚФЙ А.Темур номли МФЙ Инқилоб кўчаси	2	2017 йил 1 октябргача
3.	“Табаррук” ҚФЙ “Ҳосилобод” МФЙ Ёшлар орзуси кўчаси	2	2017 йил 1 октябргача
4.	Боёвут ШФЙ “Соҳил” МФЙ Чаманзор кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
Гулистон тумани			
1.	“Олтин тепа” ҚФЙ “Боёвут” маҳалласи	4	2017 йил 1 октябргача
2.	“Бешбулоқ” ҚФЙ “Чорвадор” маҳалласи	4	2017 йил 1 октябргача
3.	“Чортоқ” ҚФЙ “Уювли” маҳалласи	4	2017 йил 1 октябргача
4.	“Олтин ўрда” ҚФЙ “Бахмал” маҳалласи	4	2017 йил 1 октябргача
5.	“Хумо” ҚФЙ Навоий номли маҳалла	4	2017 йил 1 октябргача
6.	“Хумо” ҚФЙ “Янги ҳаёт” маҳалласи	4	2017 йил 1 октябргача
Мирзаобод тумани			
1.	“Тошкент” ҚФЙ “Гинчлик” МФЙ Зиё кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
2.	“Тошкент” ҚФЙ “Наврўз” ШФЙ Орзу кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
3.	“Нурафшон” ҚФЙ Мустақиллик кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
4.	“Баҳористон” ҚФЙ Якка тут кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
5.	“Йўлдошобод” ҚФЙ Наврўз кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
6.	“Мирзачўл” ҚФЙ “Янгийўл” МФЙ А.Навоий кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
Оқолтин тумани			
1.	А-373 автомобиль йўли 13 километри чап қисми (<i>Шодлик қишлоғи</i>)	10	2017 йил 1 октябргача
2.	А-373 автомобиль йўли 5 километри чап ва ўнг қисмлари (<i>Сардоба СИУ</i>)	20	2017 йил 1 октябргача
3.	А-373 автомобиль йўли 4 километри ўнг қисми (<i>Сардоба СИУ</i> <i>автомобилларга техник хизмат</i> <i>кўрсатиш шохобчаси рўнарасида</i>)	6	2017 йил 1 октябргача

4.	М-39 автомобиль йўли 918 километри ўнг қисми (<i>автотранспорт воситалари тўхташ жойининг олд қисмида</i>)	10	2017 йил 1 октябргача
5.	М-39 автомобиль йўли 914 километри ўнг қисмида	5	2017 йил 1 октябргача
6.	М-39 автомобиль йўли 911 километри ўнг қисмида	10	2017 йил 1 октябргача
Сайхунобод тумани			
1.	Сайхун ШФЙ “Шодлик” МФЙ Равонлик кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
2.	“Иттифок” ҚФЙ “Пахтакон” МФЙ А.Навой кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
3.	Сайхун ШФЙ “Шодлик” МФЙ Ибн-Сино кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
4.	“Ўзбекистон” ҚФЙ “Ёшлик” МФЙ намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар массиви ҳудуди	4	2017 йил 1 октябргача
5.	“Нурота” ҚФЙ “Пахтаобод” МФЙ Анорли кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
Сардоба тумани			
1.	“Пахтаобод” ҚФЙ “Халқобод” МФЙ О.Тиллаев кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
2.	“Янгиобод” ҚФЙ “Бирлашган” МФЙ Ш.Рашидов кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
3.	“Гулистон” ҚФЙ “Работ” МФЙ Ўзбекистон кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
4.	“Чўлқувар” ҚФЙ “Дўстлик” МФЙ А.Навой кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
5.	“Гулзор” ҚФЙ “Ота-юрт” МФЙ Тинчлик кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
6.	“Янгиқишлоқ” ҚФЙ Улуғбек кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
Сирдарё тумани			
1.	“Пахтазор” ҚФЙ Шафоат кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
2.	“Халқобод” ҚФЙ Биродарлик кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
3.	“Чўлтўқай” ҚФЙ Шош кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
4.	“Ҳақиқат” ҚФЙ Маърифат кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
5.	“Ойдин йўл” ҚФЙ Бобур кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
6.	“Турон” ҚФЙ Тикланиш кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача

7.	“Малик” ҚФЙ Шоҳ кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
8.	“Сирдарё” ҚФЙ Шодлик кўчаси	4	2017 йил 1 октябргача
9.	Сирдарё шаҳри Ўзбекистон кўчаси	20	2017 йил 1 октябргача
10.	Бахт шаҳри Улуғ йўл кўчаси	10	2017 йил 1 октябргача
Ховос тумани			
1.	Ховос шаҳарчаси “Чаманзор” маҳалласи “Самарқанд” муюлиши	10	2017 йил 1 октябргача
2.	Ховос шаҳарчаси “Тинчлик” маҳалласи А.Яссавий кўчаси	10	2017 йил 1 октябргача
3.	Қаҳрамон ҚФЙ марказий кўчаси	8	2017 йил 1 октябргача
64		353	